

1992 йил 29 сентябрь, сешамбров  
Баҳоси 30 тинни.

## Мунозара учун мактублар

### “ИККИЧИ“ЛАР СИНФИДА ҮҚИМАЙМИЗ

Янги ўкув иили бошланган күнларда мактабимизда галати бир янгилик юз берди. Галати деганимга сабаб, қайсибир олим, ўқитувчининг фикрича, бу янгилик катта фойда келтирса керак-ку, аммо ўқувчилар, хатто ота-оналар орасида норозликлар келтириб чиқарыпти. Синфлар табакалаштирилди: ўтган ўкув йилларидаги синфларда таълим олган болаларнинг баҳоларига қараб энг аълочилар “А” синф, ўртачалар “Б”, иккичилар “В” синф бўлиши. Бунинг нимаси ёмон, деяётандирсиз?

Бир ҳисобдан яхши, ҳамма тенг.

Ўқитувчилар болалар қобилиятiga қараб дарс ўтади, баҳо қўяди. Аммо энг ёмон томони шундаки, “А” чилар “В”, “Б” синфларни масҳаралай бошлашди. Фақат улар эмас. Юқори, куйи синф ўқувчилари ҳам ҳар жойда, ҳар вақтда куладиган бўлиши. “Иккичилар” деган тамга синфимизга ёпишди. Биронтамизнинг дарсга келишга иштиёқимиз қолмади. Ҳадемай, келмай ҳам қўяшимиз. Чунки бундай таҳқирапшларга чидаш қийин.

Д. САИДОВ.  
Тошкент шаҳридаги С. Раҳимов тумани.

Халқ таълими вазирлигининг қарори билан бу йил ҳам мактаб формасини кийиш мажбурий эканлигига қарамай, бугун ўкув даргоҳларида таълим олаёттан болаларнинг кийимлари хусусида жиддий ўйлаб кўришга тўғри келяпти. Сабаби, кейинги күнларда жуда “мода” бўлган, “Адида” чет эл жуҳонаси тиккан кийимлар мактабнинг энг олди кийимига айланиб бормокда. Нафакат мактабда, болалар бу кийимларни кучалик ҳам, меҳмонлик қилиб ҳам кийиб юришибди. Кўчада ёки бошқа янга бирон жойда бу кийимни кийишни ҳеч ким таъқилмайди. Аммо мактабга уни кийиш шартми? Ўкувнинг ўкувчи эканлигини англатиб турадиган кийими қаерда қолди? Ёки хорижилкларнинг

кийими ҳаммасидан яхшими?

Масаланинг яна бир томони бор: “Адида”нинг баҳоси ҳам аллақанча эканлигини ҳаммамиз биламиш. Синфошларининг бир нечтаси уни кийгач, колгилари ҳам, шаронти, оила турмушига қарамай, ота-оналарини кийнаб қўйишпти. “Мен ҳам шундан кияман” дегач, ота-онанинг дили вайрон...

Балки “Адида”ни мактабга кийишни ман этиш керакдир?

Б. БОБОРАҲМАТОВ,  
Чироқчи туманидаги  
47-мактаб ўқитувчиси.

### “АДИДАС“МИ, МАКТАБ ФОРМАСИ?



“ТОНГ ЮЛДУЗИ” — бу сизнинг газетангиз:

У сизга ўқиши ва ишларингизда зарур бўлган барча  
ахборот ва янгиликларни етказиб беради.  
Мақола, шеър ва ҳикояларингизни чоп этади.  
Доимо дўст, маслаҳатчи ва ҳимоячи бўлади.  
Унга обуна бўлсангиз, ютқазмайсиз.

### “ТОНГ ЮЛДУЗИ“ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Келгуси  
сонларда:



#### ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 96 сўм  
Олти ойга — 48 сўм  
Уч ойга — 24 сўм  
Бир ойга — 8 сўм

Нашр кўрсаткичимиз:  
**64563**

Ф. СП-1



Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот ӯюшмаси»

**“ТОНГ ЮЛДУЗИ”** **64563**

(нашр номи) (нашр кўрсаткиччи)

**Рўзномасига ОБУНА**

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Ҷаерга

(почта кўрсаткиччи)

(маказил)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

#### Рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

П.В.	жойи
------	------

**64563**

(нашр кўрсаткиччи)

**“ТОНГ ЮЛДУЗИ”**

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Ҷаерга

(почта кўрсаткиччи)

(маказил)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ІІ. СУННАТОВ:  
«Кутирган  
котил».

Ф. ЖАЛИЛОВА:  
“Фарзандларим  
мендан  
кўркинисин”.



Хеч ким ўз фарзандининг ёмон йўлга кириб кетишини истамайди. Унинг етук, обрўли, бадавлат бўлишини орзу қилади. Маҳмуднинг ҳам ота-онаси бундан истисно эмас. Йигитнинг ўнлаб кишиларнинг ҳаётини бузгани, бозор қилганида уларни айблаб бўлмайди. Улар едирди, кийдирди. Агар улар Маҳмуднинг катта бўлганда

олиб ўтирадик...

Вақти келиб йигит уйга кайтди. Маҳалладагилар бу хабардан бироз чўчишган бўлса-да, ҳеч ким буни Маҳмудга билдирамди. Унинг "аклини таниб қайтганига" ишонишиди. Аммо...

Салқин куз кунларининг бири. Октябрь ойи. У кундузи дўстлари билан яхшигина "кайф" қилди. Чўнтағида яқиндагина кўлга туширган "даромади"дан бор. Икки сафар ҳам милиция тополмади. Пул анчагача етади. Энди нима қиласа экан? Ёмон зериқди-да. Ишнинг тайини йўқ. Шундай ҳаёллар билан уйга яқинлашгач, Маҳмуд кўчада чопқиллаб ўйнаб юрган қўшни қизалоқ

— Холидани (баъзи мулҳазаларга бориб унинг исмини ўзгартиридик) кўриб қолди. Оппоқ, дўмбокқина Холида эндингина бешга қадам қўйган, қўшни амакининг дилида нечоғлик ёмон ниятлар пайдо бўлаётганидан бехабар эди. Маҳмуд эса кеча ҳам уни кўрганди. Ўшанда ҳам галамис фикрлар дилида тугён урган эдио, уларни амалга оширишнинг имкони бўлмаганди.

— Кел, қизалоқ, — гапга чорлади у қизчани. — Салом қани? Уйда ким бор?

— Ойимла.

— Юр, мен сенга...

Дунёда болани алдашдан осони йўқ. Шунинг учун ҳам у Маҳмуднинг ортидан эргашди. Маҳмуд кейинги кунларда томоша қилган зўровонлик, беҳаёликни намойиш этувчи барча видеофильмларни ҳаёлидан ўтказди. Кўзи қонга тўлди. Холидани уйнинг энг ичкаридагисига олиб кирди-



**ЖИЛЛАМ  
ТУЛНИ  
ЁДАР...**

да...

Баъзан бундай даҳшатли ишларни ёзиш, тил билан айтмоққа киши ожизлик қиласи. Уни ҳатто, дилдан ўтказишига инсон боласи қийналади. Лекин Маҳмуд учун бу иш қийин бўлмади. Гўдаккинани зўрлаб, қийнокқа солди.

Холида чидай олмай бақира бошлади. Унинг тилидан "Адамга айтиб бераман. Сизни роса уради", деган гап тушмасди.

Аммо вахшийликнинг энг чўққисига чиқкан маҳлуқнинг қўлидан чиқиб кетишига кучи етмади.

Тушдан кейин дала бошига келган Баҳром галати воқеанинг устидан чиқди. Полиз ўртасига топшириш учун уюб қўйилган қовунлар йўқ эди. Баҳром отга сакраб минди-да, уйига жўнади.

— Ота, — деди Баҳром шоша-пиша, — эрталаб топширишга узуб қўйган қовунларимизни кимдир олиб кетибди.

— Безовта бўлма, — деди Қурбондорди ака. — Уни топшириб юбордим. Бутун ҳам зўр меҳнат қилсан, режамизни бажарамиз.

Шу куни ота-болага Дилором, Азamat, Олтин, Юлдуз ҳам ёрдамлашиди. Иш юришиб кетди. Кечга яқин янги узилган ширин-шакар қовунлар машиналарга ортилди.

Халқимиз дастурхонига тилёрди қовунларни етказиб беришда отасига кўмаклашаётган бу болалар Хоразм вилояти, Богоғ туманинг "Тошкент" жамоа хўжалигидаги Ҳамза номли мактабда таълим олишади.

**Х. ЖАББОРОВ.**

Суратларда: "Тошкент" жамоа хўжалигининг илгор пурратчиси Қўрбондорди ака Матёкубов ўтил-қизлари билан қовун узишмоқда.

Опа-ука Дилором ва Баҳром Отаевлар килган ишларидан мамину бўлишиб, уйларига қайтишяпти.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.



қабиҳ жиноятларга қўл уришини олдиндан билишганида балки бошқача йўллар билан унинг олдини олишган бўлишармиди?

Хар қалай Маҳмуд 19 ёшга кирганда ота-онасига биринчи бор катта ташвиш олиб келди: фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлагани учун уч йилга озодликдан шартли маҳрум қилинди. Унгача маҳаллада, кўчада қилган майда-чўйда безориликларини тилга ҳам

ҳақида гапириб келдик. Аммо бу ёвузлик ҳам фашистлар қилган ишнинг қайси биридан колишиади?

Кечагина шўхлик қилиб, югуриб юрган бирон боланинг бугун жиноят йўлига кириб кетаётгани бизни анчадан бўён ажаблантириб келади. Нима учун шундай бўляпти, деган савол қўйнаб, ҳар ким ўзича — хукуқшуносар, руҳшуносар, педагоглар ўзича важ кўрсатишади. Кимдир даврга тақаса, кимдир видеофильмлар, яна кимдир ота-онанинг пул топишга муқкасидан кетиб, болалари тарбиясини унутганликларида дейди. Аммо ким ҳақ?

Афуски, биз ўша йигитнинг ота-онаси билан сұхбатлаша олмадик. Балки сұхбатлашганимизда Маҳмуднинг болалиги, ёшлиқда шуғулланган ишларига қараб, бу саволларга бир қадар жавоб бера олган бўлармидик. Бугун "Фарзанд ўстираяпман", деяётган ҳар бир киши уларга бераётган тарбияси тўғрими, йўқми, чукур бир фикрлаб кўришлари, болаларнинг шуғулланётган ишларини "таҳлил" этишлари ана шундай жиноятлар олдини олиш ҳам мумкин-ку!

Тошкент шаҳар судининг қарори билан М. Дўстов олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилинди.

**Д. ТУРАХМЕТОВА,  
Тошкент шаҳри.**

### ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигига расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганини ҳақида квитанция берилади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда ҳагосиз, сўзларни қисқартирасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насиби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувлари катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** бу ҳабиҳ жиноят ҳақида болаларга ҳикоя қилиш балки бироз ноўриндир. Танбеҳ берувчилар ҳам бўлар, эҳтимол! Бироқ бизнинг ниятишим холис: қалби пок, шононувчан болаларни, уларнинг ота-оналарини яна бир бор ёвузликдан огоҳ этиш: Эҳтиёт бўлинг, яхшилар! Орамизда жирканч, аҳлоқсиз, ўғрижумттаҳам кимсалар борки, улар одам қиёфасида, уларни пайқаш қийин. Улардан огоҳ бўлинг!

## Азиз кулгисевар ўқувчилар!

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган йилги сонларида “Хандобус” номли қувноқ саҳифа бериб борилмоқда эди. Лекин маълум бир вақтгача унинг чиқиши сустлашидь яни, танқислик даврида “Хандобус”нинг эҳтиёт қисмларини топиш анча мушкулотлар туғдирди. Шу билан бир қаторда унинг номига келаётган ичакузди ҳажвия, шеър ва қизиқ ҳангомалар ҳам “кескин суратда” камайиб кетди. Буни изоҳлаш анча қийин.

Ва, ниҳоят, мана у яхши таъмирланиб, яна йўлга тушди ва ҳар бир бекатда тўхтаб, у сиз билан ўртоқлашади, мириқиб кулишади.

“Хандобус” ҳайдовчиси.

Исройлнинг қайсарлиги овқат устида тутади. У ойисининг пиширган овқатини емайди-да, атайнин бошқасини топтиримоқчи бўлади. Бугун Хосият опа гўжа ош қилган эди. Исройл лабини буриб олди. Ва яна “маш-маша”сини бошлади. Ойиси ҳар кунгидек ўғлига “Нима ейсан?” демади. Исройлнинг олдига бир коса

## “КЎПИКХЎР”

ош кўйдию, индамай овқатланаверди. Гёе ўпкаси тўлди.

— Канд чой ичаман, — деди Исройл.

Хосият опанинг аччиги келди:

— Ичмасанг ичма! — деб Исройлнинг олдидан ошни олиб, қозон-товоқларни ўғиб қўйди.

Исройлнинг очлиқдан уйқуси келмади. Дадаси билан ойиси ухлагач, секин ўрнидан турди. Чирок ўчирилган, қоп-коронгуда тимирскланиб ўчоқ бошига борди. Қозонга чўмич тикид — ҳеч нарса ўйқ. Хайрон бўлди. Қозоннинг ён-теварагини пайпаслаб косани топди. Ва дарҳол косанинг ичига кўл чўзди. Сувга ўхшаган нарса унинг панжасига тегди.

— Хайрият, ҳалиги ошим турган экан, — гудранди у ўзича.

Исройл ошни қошиқсиз кўтарди. Бир-икки хўплади. Дони тагига чўкиб қолган бўлса керақ, ҳайрон қолиб ўйлади. Косани бўшатса ҳам, биронта дон оғзига чиқмади.

Ойим гўжа килдим, деб менга аталани ичирмоқчи бўлган экан-да, деб ўрнига кириб ётаверди.

Эртасига қозоннинг олдига борган Хосият опа ҳанг-манг бўлди, айбизз бир бечорани қаргади.

— Кучукка бермоқчи бўлиб косага гўжа кўпигини олиб қўйган эдим, ўгри мушук ичиб кетибди-я! лаънати...

Олтмини ўСАРОВ.

## СИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?



Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат-лавҳа.



## ТЕЗ АЙТИШЛАР

- \* Турғун тарозида тўққизта тарвуз тортди.
- \* Алишер амакисининг альбомини авайлаб асади.
- \* Яшин яхшиларнинг янада яхши яшashi учун яшайди.
- \* Турғун тўрт минг тўқсон тўққизта тахтани тахлади.

Абдусамат ЮНУСОВ.  
Тошкент шаҳри.



Мактабимиз жуда ажойида, дарслар яхши ўтилмайди, ўқувчиларни истаган вақтда хоҳлаган одам ҳашарга олиб кетиши мумкин. Уни ҳеч ким сўраб-суриштирмайди. Бу нарса кўпчиликка маъқул. Келинг, яхшиси мактабимиз фаолиятидан

ўқитувчимиз шу онда кўққисдан кириб келиб қолди. Ҳамма тапир-тупир ўз ўринидигига қараб учди. “Тамом, — деб ўйладик, — энди бир соат “кросс”да югуртиради, қиз демайди, ўғил демайди... “Їўқ, тасодиф юз бердию ҳаммаси ўз жойига тушиб қолди, яни ўқитувчимиз ҳеч нарса билмагандай, кўрмагандай йўқламани бошлади ва:

— Ташқарида ёмғир ёғиш эҳтимоли бор, шунинг учун дарсни ичкарида ўтамиш, — деди.

Сўнгра ўқитувчимиз нималарнидир узоқ гапирди,

# Хашарчи ўқувчиликар

биroz сўзлай.

Бугун...

Биринчи соат биология дарси бўлиши керак эди. Аммо Темир домламиз томорқасига карам экаётган, тўғрисини айтганда, ҳашар қилаётган экан. Ҳашарга синфдошларимизнинг ярмини олиб кетиби. Хуллас, бир соат қолганлар бекор юрдик. Энди бүёгини эшитинг. Кейинги соат жисмоний тарбия. Танаффусда Холбой билан Мирза партага чалиб қайсиdir ҳофизнинг ашуласини айтиётганди, синфнинг бўш томонида эса тўрт-беш бола “наски” тўп тепишаётганди (ахир жисмоний тарбия дарсига тайёргарликда!).

Сўзлайверсам сўзимнинг адоги ўйқ.

Мавжуда АБРАЙҚУЛОВА,  
Сурхондарё вилояти, Олтиносий туманинаги 1-мактаб ўқувчisi.

## ЕД ОЛДИНГМИ?

- Иорг, сен шеърни ёд олдингми?
- Ҳа, аммо эслай олмаяпман. У нима ҳақида эди?



## ЕР ВА ГЛОБУС

— Одамлар ернинг юмалоқлигини қаердан билишган? — сўради Эмил.

— Глобусдан бўлса керак, — жавоб берди Юго.



## БУ ШУНДАЙ ТЎРТБУРЧАККИ...

- Олаф, айланана бу нима?
- Айланана бу шундай тўртбурчакки, унинг бурчаклари бўлмайди.



## БАЖАРИБ БЎЛДИМ

— Хайни, нега бошқа чизмаяпсан?

— Мен чизишни тугатдим. Сен учала балиқни чизиб бўлдингми?

— Йўқ. Учаласининг ўрнига битта катта кит чизиб қўяқолдим.

## 50 СҮМГА — ЭНГ ЗЎР СОВФА

Ҳадемай оилангизда шодиёна, азиз фарзандингизнинг туғилган куни бўлади. Ҳар бир отона бундай кунда фарзандлари қувончига шерик бўлиб, уларга атаб бирор совға-салом ҳозирлаш ҳакида олдиндан бош қотириши тайин.

Агар бор-йўги 50 сўм пул тўлаб, фарзандингизга кутилмаган, ажойиб совға ҳамда бир олам қувонч баҳши этишни истасангиз, “Тонг юлдузи” хизматингизга тайёр. Дилингиздаги жамийки эзгу-ниятларингизни газетамиз орқали изҳор этишингиз учун яратилган имкониятни қўлдан бой берманг. (Қолаверса, 50 сўм пулга бошқа қандай совға олиш ҳам мумкин?)

Газета орқали табрик зълон қилдиришга аҳд қилдингизми, марҳамат!

Мазилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Марказий ҳиёбон бекати, Ленинград кўчаси, 32-йи, 618-хона.

Эслатиб ўтамиш: Сурати билан табрик зълон қилдириш учун 50 сўм, суратсиз 45 сўм миқдорида пул ўтказиш лозим.

Муҳарририятимизга келишнинг имконияти бўлмаса, почта орқали “Тонг юлдузи”нинг қуийдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиб, квитанциясини бизга юборсангиз кифоя:

**Ўзбекистон саноат-қурилиш Банкининг  
Тошкент шаҳар бўлими. Ҳисоб рақами:  
000363106, код: 172682328. корр. счёт:  
300166428.**

## ҚУТЛАЙМИЗ!



**Наримон  
Орифжонов  
60  
ёшида**

Болалар адабиети... Бу соҳага қўл урган шоирнинг биргина вазифаси бўлади — бу аввалбошда, боланинг тасаввурини аниқ бир мақсад сари бошлаш, шу билан бирга фикрига озука бериш, ўқишига ҳавас, борлиқ билан теранроқ танишириш ва инсон табиатига хос бўлган нозик туйгуларни сингдиришдир.

Ушбу ҳақиқатни кўпгина шоирларимиз идрок этолган. Худди шундай мақсадли, бугун 60 ёшли тўйи нишонланыётган болалар адаби — Ёзувчилар ўюшмасининг аъзоси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими, жумҳурият журналистлар ўюшмаси мукофотининг соҳиби Наримон Орифжоновдир.

У 50-йилларда ўзининг илк шеър ва ҳикоялари билан адабиётимиз майдонига кириб келди: Узоқ вақт "Ленин учқуни", "Гулхан" каби газета-журналларда ишлади. Шу боис бўлса керак, Наримон аканинг кўпгина асарлари болаларга бағишланган ва уларнинг хотирасидан мақтова арзигулик ўрин олган. Булагар "Юраккак теккан ўқ", "Моникага мактублар", "Зилзила", "Салом, Пифагор!" каби ҳикоялари, "Энг баҳтири", "Оқ капитар", "Туйгулар" сингари шеърий китоблари мисолидир. Шунингдек, бир қанча асарлар таржимони ҳамдир. Болалар драматургиясида "Дўстликдадир куч" шеърий эртак-пъесаси учун жумҳурият болалар конкурсида (1979 й.) иккичи мукофот билан тақдирланган.

Биз газетамизнинг барча муштарийлари номидан Наримон аканинг кутлаб, соғлик ва ижодий ривож тилаймиз.

Тахририят.

### "ИККИ"

"Икки" сини ўчириб Аҳам  
Кундалика турмасин, — дейди.  
Ишдан келиб, кечкүрун дадам  
Уни очиб кўрмасин, — дейди.  
  
Қалбаки иш этилганда фош  
Афзал бўлар номусдан ўлим.  
Отаси дер, беролмай бардош:  
— Бу ҳунаринг ярамас, ўғлим...  
  
Ўқиша бўл тўғри сўй, илғор  
Алдаш ёмон, сен ундан жиркан!  
"Икки" ни-ку, сўнгги дарс ювар  
Аммо ёлғон ювилмас дилдан.



### КАНОТЛИ ДЎСТЛАР


/Украин шоири Дмитро Белоусдан/

Оз эмас Петянинг  
Бордир дўстлари,  
Үйготар азонда  
Оппот капитан.


Дер гўё гув-гувлаб  
Бўйл багри қон:  
— Хайрли тонг отди,  
Тонг отди, үйғон!

Чумчуклар чирқирил  
Гал бермай шу тоб:  
— Не бўлди ўқишинг,  
Не бўлди хисоб?

Загизон эслатар,  
Иғ, деб эснинг.  
Вақт бўлди, тайёрла,  
Бошла дарсингни!



### ЮЛДУЗЛАР




Наримон ОРИФЖОНОВ.

Бош мұхаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Тахрир ҳайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,  
А. КУЧИМОВ, М. РАХИМБЕРДИЕВА,  
Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ [масъул котиб].



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Кейин, Жаноб Неог Унга Босс катта жинояти эканлигини, унинг кўлида ўтилган ўлжа борлигини тушунириди. Жаноб Неог касалхонадан кайтиб уйига келса, куткариши отряди куролланиб тайёр бўлиб турганини кўрди. Отряд тезда кўлга олинган болалар сакланаётган дача томон жўнаб кетди. Афсуски, дача ичидаги ҳеч ким йўқ эди. Улар ҳамма жойларни синчилаб қарасаларда — ҳеч нарсани аниқлай олмадилар.

— Бу ерда вактимиз бекорга кетмасин, — деди. Неог одамларига. — Биз энди қишлоққа борамиз, у ерда ҳам бизга ёрдам берадиган одамлар топилиб қолса ажаб эрмас.

Кишлоқни вахши босган. Ҳамма хафа, болаларига ачинмоқдалар. Аёллар болалари билан бирга йиги-сиги қилишмоқда. Эркаклар эса ўтиларни кўлга туширишга ёрдам бермоқчи бўлиб туршилбидилар. Куткариши отряди қишлоққа кириб келиши билан қишлоқ одамлари уларни ўраб олишиб, нима воқеа юз берганини сўрадилар. — Биз тезда қайтамиш, бироз ишимиш бор, — деди Жаноб Неог уларга. — Ўгрилар — бераш одамлар, агар Бубул ва Жонтиларни олиб юриш оғирлик қиласа уларни ўлдириб ташлаб кетадилар. — Бир нарсани олиб келиши эсдан чиқибди, у ҳам бўлса полиция ити, албатт! деди Ж. Неог. — Вақт

кетмасин, ёмғир ёғмоқчи. Ёмғирда ўгри изи колмайди. Кучук улар хиддини ўйкотади. Ж. Неог тезда Гаухатита кўнгироқ қилиб, иккита ўргатилаган полиция итини кечирмайдилар. Кўрикхонадаги ҳайвонларни сафаби ҳам ана шунда эди. Нечун у ҳайвонларга хиёнат қилди. уни энди кечирмайдилар. Кўрикхонадаги ҳайвонларни согдигига жавоблар эди у. Ахир у пул учун ўгриларга сотиди ва ўз ҳайвонларини ўлдирида. Қўлимишига яраша олдинда жазо бор. Шу онда унинг мясига бир фикр келди. У гунохини ювиши керак. Болалар ҳозир ўгрилар кўлида. Буни тезда Неогга айтиш шарт. Бор кучи била у ўрнидан турди. Унинг боши айланар, ўзини тутолмасди. Шунда ҳам рулни ушлашга ҳаракат қилди. Лекин унинг панжаллари қон ва терлигидан сийрилиб кетди. Укйналиб машина чирогини ёқди. Ва ружа устига секингина бошини кўйди. Шалпайиб тушган бош сигнални босиб юборди. Бу чинкирик товуши тунги тинчлини бузди. Жаноб Неог товушни ўшитиб, — Бу нима? — деди ҳайдовчисига, ҳайдовчиси эса машинасини тўхтатган эди. У яна машинасини юргизиб, Пуканнинг машинаси олдига бориб тўхтади. Ж. Неог тезда машинасидан тушиб, Пукан машинасига чиқди ва қонга белантган Пуканни машинадан тортиб тушиди.

— Тезда шифокор олиб келинг, — деди у ҳайдовчисига. Ж. Неог Пуканни юмшок ўтлар устига ётқизди-да, уни кўл томирни ушлаб кўрди. Унинг томир уриши жуда паст эканлигини Неог сизди. Неог унга бош этиб, секин-аста, мулойимгина гапиди.

— Пукан бир нарса демоқчимсан?

— Энди кеч... Кечик... дин... гиз, — деди Пукан зўрга, паст овоз билан. Пукан яна гапира бошлади.

— Болалар.... ни.... Мен билан.... алоқаси.... ўй.... капа.... — деган сўзларни у тақрорлади.

— Қанақа ката, Пукан? Эй, худо ўз паноҳингда аспа... қанақа ката?

— Ўша.... чукур атрофида, у ерга.... биз бор... ган... миз... Муния.... нинг.... одамлари.... улар.... ме....ни ўлдири.... дилар. Бола.... лар.... энди кеч.... вакт ўт....ди. Пукан жим бўлди, унинг кўзи юмилди.

### ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК

Жонти қамишдан қилинган ката деворини пастки жойини бемалол одам ўтадиган қилиб тешди. Коровуллар сезишмади. Болаларнинг оёқ-кўллари болглиқ. Уларнинг кўлидан ҳеч нарса келмайди деб ўйлардилар. Жонти бирдан қочиб кетишини мўлжаллади, лекин ўгрилар куролланган. Агар болалар қочишига, "отилсин," деб уларга тайинланган ҳам. Тешикдан қочиб чиқиб кетиш осон иш эмас. Болалар коровулларни бирор сабаб билан ташқарига чиқишини пойладилар. Лекин улар ҳеч каёкка бормаслигини Жонти билар эди. Ярим соат ўтди. Коровуллар ката ичидаги тургандан қочиб чиқиши хавфли деб хисоблади болалар. Шу пайт ташқарига ким-дир юргурди. Коровуллар тезда шошилиб, кўлларига миллиқни олиб, эшикка кулок солдилар. Лекин улар Муния ва унинг шериклари эдилар. Хайдовчи, болалар бизни танишмайди. Шунинг учун мен Пуканни ўлдиридим. Бизни шу йўлга бошлаганди. Қишлоқда одамлар болалар воқеасини ўшитишиб, шовкин-сурон килишмоқда. Аммо

ҳеч ким бизни бу ерда танимайди. Биз омон қолдик. — Ҳозир нима иш қиласиз, — деди яна бир ўгри Мунияга. — Биз тинтуб ўтиб кетгунча, жим турамиз. Улар бизни ушлаш учун еру осмондан кидиришмоқда. Лекин улар қаердагимизни билишмайди. Шу ишлар тинчигандан сўнг, биз Брахмапура дарёсини қайикда кесиб ўтиб шимол томондаги яширин жойимизга борамиз. У ерда яна бошқа ёрдамчи дўстларимиз бор. Ҳозир менда уч коркидан шохнинг пули бор. Буни ҳозир ҳаммамиз бўлишиб оламиз. Ишларимиз тугагунча етади.

— Мана бу иккя ярамасни нима қилдик? Ёки ўлдириб кўлга ташлаб юборайлики?

— Биз уларни бирор тирик ушлаб турайлик, омон қодишимиизга яраб қолади.

— Сиз, жуда ақли одамсиз, Муния, — деди Бапкрам исмли ўгри. — Биз сиз билан бирга юрганимиздан хурсандмиз, мен ўйлайманки, бирордан сўнг ишимиш тугайди. Жонти ва Бубул эса жим туришар эди. Бир ўгри уларнинг олдига келди. Жонти энди фурсатни бой берганига ачиниб олдинрок кошиш кераклигини ўйларди. У

кўлидаги пичоқни маҳкам ушлади. Агар олишиш керак бўлса, ташланади. Коровул энди болалар кўлини текширмоқчи бўлгандан ташқаридаги товуш эшилтиди. Капа ичидаги ўгриларнинг ҳаммаси ташқарига ташландилар. Кейинроқ Муния ҳам милтиғи билан ташқарига чопди. Бубул билан Жонти

капа девори тешигидан ташқарига чиқдилар. Ташқаридаги милтиқ товушлари кучайди. Ўклар болаларнинг бошдан визиллаб ўтарди. — Паст бўл! — деди Жонти. — Бу ер хавфли, тигпроқ жойга кетдик. Ўгрилар ерга ётиб олиб ёргу чиққан томонга отишмоқда эди. Бирдан ўгрилардан бирини бакирди, хуштак чалди, кейин жим бўлди. Ўқ тегди. Куткариши отрядининг яна биттаси ер тишлади. У одамларига ўқотиши тўхтатиш учун шовқин солиб бўйрук берди. Куткариши отряди эса отишмани бирор тирик тўхтатдилар. Иккя томон ҳам бирор тақтика ўқлашни бир-бирларига қараб кутиб турдилар. — Айни шу пайтда қочишимиз керак, тез бўл, кетдик, — деди Бубул. Жонти Бубули пастга тортди. Бирдан ногора товуши жимликни бузди. Товуш тобора кучайиб борди. — У бизнинг қишлоқдаги ногорачи Бихуя, — деди Бубул. — Мен уни ногора чалишидан танийман. Бирдан жимликни одам товушни бузди. У Неог эди, у карнай орқали товуш соларди. — Кулок солинг, ўйтгилар, биз сизларни кўлга олдик. Куролларнинг ташлаб, кўлларнинг тепага кўтариб, бирма-бир бизнинг олдимизга келинглар! Биз сизларга беш минут вакт берамиз, шундан сўнг таслим бўймасаларнинг ичкарига кириб ҳаммаларнинг отиб ташлаймиз. Муния уларга қаҳ-қаҳ отиб кулиб жавоб берди. — Неог, биз сенга чакало эмас, шуни эсингдан чиқарма, агар одамларнинг бу ердан олиб чиқиб кетмасанлар, бизга ўйл бермасанлар, биз одамларнинг томогидан бўғизлаймиз. Мен уларни бошларини баланд кўтариб сенга кўрсатаман. Агар ишонмасанг ўзинг биласан. Ҳ... ҳа...ҳа...

Муния ва Бапурам ката ичига қараб юра бошладилар. Ҳамма одамлар капага кўз тикар эдилар. Лекин кападан ҳеч ким чиқмади. Беш минут ўтди, ўн минут ўтди, кападан ҳеч ким чиқмади. Ўгрилар жаҳллари чиқиб ташқаридаги кутиб туришар эди. Шу пайт Муния — ўгри бошлаги ўзини отди. Бу воеани Жонти ва Бубул кўриб турарди. Кападаги Жонти очган тешикдан Муния ўрмалаб чиқди. У атрофига назар ташлаб тезлик билан оёқ учида юриб кетди.

У кўл томонга қараб кетмоқда эди. Муния кўл орқали қочиб кетишини режалаштирган эди. Болалар Муниани қочиб кетаётганини Неог тогага хабар бериларни керак эди. Бу ҳам фойдасиз эди. Ўгрилар ката атрофига халигча юришган эди.

Бапурам кападан чиқиб, майдон ўртасига келиб, таслим бўлди. Яна тўрт ўгри ўрнидан туриб куролларни ташладилар.

— Неог тоға! — деб кичкириди Бубул.

— Ўгри бошлаги кўлдан ўтиб қочиб кетмоқчи! — деди Бубул. Ҳамма одамлар пўлга қарди. Муния сувдан қочиб ўтари. Муниянинг қизиқ феълига ҳамма жим туриб томоша қилар эди. Бир оздан сўнг унинг орқасидан катта баҳайбат каркидан пишикириб унга яқинлаётган эди. Ваҳшӣ кийнаётган одамга бироз тикилди. Холисланган Муния қочишига уринарди. Яна ваҳшӣ унга қараб юра бошлади. Муния жаноб Неог томон интилди. — Мени кутқаринг, мени кутқаринг! — деб у шовкин соларди.

Райм МАМАСОЛИЕВ ўтирган.

**ТАҲРИИЯТДАН:** Илгари эслатиб ўтганимиздек, ушбу қисса бир мунча қисқартиришлар билан ўз ниҳоясига етди. Уни тўлалигича ўқиши истагида бўлғанлар яқин орада савдо дўконларидан китоб холида харид килишлари мумкин.

Бош мұхаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Тахрир ҳайъати: